

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ АМАЛДАГИ МЕХАНИЗМИ

Бахтиёр Зокирович МАМАДАЛИЕВ

мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза

қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

ruziyev.b.99@gmail.com

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг жорий ҳолати ва уни ташкил этишнинг комплекс таҳлили келтирилган. Қонунийлик ҳолатини баҳолашнинг назарий ва амалий муаммолари кўриб чиқилган ҳамда ўрмон фондида оид статистик маълумотлар таҳлил қилинган. Ўрмон кадастрини рақамлаштириш, шунингдек, ҳудудий ва экология прокурорлари ўртасида ваколатларни чегаралаш масалалари ёритилган. Прокурор назорати самарадорлигини ошириш ва ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш зарурлиги асосланган.

Таянч сўзлар: прокурор назорати, ўрмон хўжалиги, қонунийлик ҳолати, ўрмон фонди, рақамлаштириш, ваколатларни чегаралаш, экологик хавфсизлик.

СОВРЕМЕННЫЕ МЕХАНИЗМЫ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА СОБЛЮДЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ ЛЕСНОГО ХОЗЯЙСТВА

Бахтиёр Зокирович МАМАДАЛИЕВ

независимый исследователь

Правоохранительной

академии Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

ruziyev.b.99@gmail.com

Аннотация

В статье представлен комплексный анализ текущего состояния и организационных аспектов прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере лесного хозяйства Республики Узбекистан. Рассматриваются теоретические и практические проблемы оценки состояния законности, а также приводятся статистические данные о лесном фонде. Освещены вопросы цифровизации лесного кадастра, разграничения полномочий между территориальными и природоохранными прокурорами. Обосновывается необходимость внедрения единой автоматизированной информационной системы для повышения эффективности прокурорского надзора и обеспечения рационального использования лесных ресурсов.

Ключевые слова: прокурорский надзор, лесное хозяйство, состояние законности, лесной фонд, цифровизация, разграничение полномочий, экологическая безопасность.

Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизлик ва қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органлари алоҳида ўрин тутади. Ўрмон хўжалиги соҳасидаги назорат шунчаки ҳуқуқбузарликларни қайд этиш билан чекланмай, балки уларнинг тизимли сабабларини аниқлаш, чуқур таҳлилини юритиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни талаб этади. Назорат самарадорлиги эса маълумотларни тўплаш, прогноз қилиш, режалаштириш ва ваколатли идоралар билан ҳамкорликни тўғри мувофиқлаштиришга узвий боғлиқдир.

Ҳар қандай тузилманинг самарали фаолияти учун зарурий шарт, бу ишни яхши ташкил этишдир. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси учун бу ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Зеро, аксарият олимлар прокуратура органларида ишни ташкил этишни прокуратура органларининг мақсад ва вазифаларига эришиш учун прокуратура тизимининг фаолиятини оптималлаштиришга қаратилган ўзаро боғлиқ ҳаракатлар мажмуи сифатида белгилайдилар. Прокуратура органларида ишларни тўғри ташкил этиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлили қуйидаги элементларни аниқлаш имконини беради:

қонунлар бузилиши тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

ишни прогнозлаш ва режалаштириш;

текширишга тайёрланиш ва ўтказиш;

тезкор ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

қуйи прокуратура органлари ишини ўрганиш;

илмий ва услубий таъминот;

таҳлил ва умумлаштириш;

бошқа органлар билан муносабатларни мувофиқлаштириш.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари ва муаммоларини ўрганиш натижасида назорат чораларининг самарадорлиги, асосан, прокурорнинг ташкилий хусусиятлари ва уларни ўтказиш методологияси асосларини билишига боғлиқ, деган хулосага келдик. Ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг салмоқли қисми, ушбу соҳада назоратни амалга оширувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, ўрмонларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш амалиётини таҳлил қилиш ва уларни оптималлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Прокуратура назоратининг самарадорлиги бевосита прокуратура иши қандай ташкил этилганига боғлиқ. Ишни тўғри ташкил қилиш прокурорга қонун томонидан берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланиб, максимал даражада ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва чек қўйишда самарали фойдаланишни таъминлаш имконини беради [4].

Прокурор назоратини ташкил этиш прокурор фаолиятининг қонунийлиги, сифати ва самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади, шунинг учун ҳам муаммолар кенг муҳокама қилиниб, бу масалага прокурор назорати соҳасидаги мутахассисларнинг доимо алоҳида эътибори қаратилиб келинмоқда [8].

Ўрмонларни муҳофаза қилиш бўйича прокурор назоратининг самарадорлиги фаолиятни аниқ тизимлаштириш ва тўғри ташкил этишга боғлиқ. Ваколатлардан фойдаланиш изчил ёндашувни талаб қилади, бироқ соҳавий назоратнинг ўзига хос хусусиятлари илмий-методик жиҳатдан ҳали тўлиқ ёритилмаган. Экологик вазият, ўрмонлар аҳволи ва эҳтимолий таҳдидларни аниқ баҳолаш назоратнинг фаоллигини ҳамда текширувларни режалаштиришда ҳудудий ўзига хосликларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ташкилий-маъмурий ҳужжатларини таҳлил қилиш бизга уларда белгиланган ташкилий чоратадбирлардан ахборот-таҳлил ишларини ва прокуратура органлари

ўртасидаги ваколатларни кўриб чиқиладиган соҳада назоратнинг самарадорлигини чегаралашни ажратиб кўрсатишга имкон беради. Масалан, *ахборот-таҳлил ишлари* прокурор назоратини ташкил этишнинг дастлабки босқичи бўлиб, икки асосий йўналишда амалга оширилади:

биринчидан, ички йўналиш ахборотни тўплаш, ўрганиш ва баҳолаш билан боғлиқ;

иккинчидан, ташқи йўналиш ҳудудда, объектда ва назорат қилинадиган органларда қонунийлик ҳолатини аниқлаш билан боғлиқ.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилишда ахборот олишнинг ўзига хос хусусияти прокурорларнинг кенг доирадаги манбалардан, шу жумладан назорат органларидан, шунингдек, бошқа тузилмалардан тегишли маълумотлар билан тезкор танишиш имкониятини беради. Прокурорлар ўрмонларни муҳофаза қилиш ва асраш соҳасидаги қонунийлик ҳолатини баҳолаш имконини берувчи статистик ва бошқа зарур маълумотларни олиш учун етарли имкониятларга эга. Ахборот олиш усуллари уч гуруҳга бўлиш мумкин:

а) оммавий ахборот воситаларидан, шу жумладан, интернет ахборот тармоғи ресурсларидан олиш орқали;

б) назорат қилинадиган органлар, ташкилотлар, бирлашмалар, бошқа тузилмалар ва мансабдор шахсларга тегишли сўровлар юбориш орқали;

в) ўрмонларни муҳофаза қилишга доир прокуратура органларига келиб тушган мурожаатлар ва хабарларни ўрганиш, кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш орқали.

Ахборот-таҳлил жараёнида интернет манбаларидан фойдаланиш Бош прокуратура талабларига тўлиқ мос келади. Ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар туфайли прокурорлар ўрмон муҳофазасига оид статистик маълумотларни очиқ манбалардан тезкор олиш имконига эга бўлдилар. ОАВ ва ихтисослашган веб-ресурслардаги ёнғинлар, талафотлар ҳамда зараркунандалар етказган зарарлар ҳақидаги хабарларни тизимли мониторинг қилиш ва фуқаролар мурожаатларини таҳлил этиш экологик

вазиятни холис баҳолаш ва қонунбузарликларга ўз вақтида таъсир чораларини қўллаш имконини беради.

Ҳар йили прокуратура органларига минглаб мурожаатлар келиб тушади, уларда кўпинча прокурор томонидан зудлик билан жавоб чораларини кўришни талаб қилувчи ҳолатлар кўрсатилади. Прокурор томонидан чора кўришни талаб қиладиган қонунларнинг бузилиши тўғрисидаги аниқ фактларни ўз ичига олган прокуратура органларига келиб тушган ҳар қандай маълумот “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига асосан, қонунларнинг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказиш учун асос бўлади [1]. Бундан ташқари, “прокуратурага тушган ҳар қандай маълумот таҳлил қилинади, унинг моҳияти уни умумлаштириш ва баҳолашда ифодаланади” [11].

Таҳлилий иш прокурорнинг назорат қилинадиган ҳудуддаги қонунлар ҳолатидан хабардорлиги, ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш, юзага келадиган тенденциялар ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирларни режалаштириш билан боғлиқдир [3]. Прокурор таҳлилий иш жараёнида нафақат прокурор назоратини ташкил этиш ва бевосита амалга ошириш, балки ҳуқуқбузарликка асос бўлган ёки бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратган (яратиши мумкин бўлган) жараёнлар ва ҳодисаларни ҳам ўрганиши керак.

Ўрмон муҳофазасига оид қонунлар ижросини назорат қилишда прокурорлар ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш билан бирга, уларнинг келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларини чуқур ўрганишлари шарт. Таҳлилий манбалар иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий салбий омилларни тўғри баҳолаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ва асосли қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бироқ, амалиётда прокурорлар қонун бузилишга олиб келувчи омилларни кўпинча эътиборсиз қолдиришмоқда; натижада, хусусан ёнгин хавфсизлиги соҳасида, кўриляётган чоралар ва қайд этиляётган ҳуқуқбузарликлар сони статистик кўрсаткичлар билан бирга йилдан-йилга ортиб бормоқда. Текшириш

давомида ҳал қилинган асосий масалалар прокурорлар томонидан қонун устуворлиги ҳолати, қонунлар ва коррупцияга қарши қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилишда прокурор аралашувини талаб қиладиган масалаларга оид таҳлилий маълумотларни кўриб чиқишдан иборат [13].

Ўрмон муҳофазасига оид қонунчилик ижросида такрорланишларнинг олдини олиш учун прокурорлар ваколатларини аниқ чегаралаш лозим. Прокурорлар ўрмон хўжалиги, шунингдек, ўрмонлардан кўчмас мулк ва фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида фойдаланиш бўйича қонунлар ижросини назорат қилишлари зарур. Худудий (вилоят ва туман) прокурорлари эса давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан ушбу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини доимий назорат қиладилар.

Экология прокурорлари, ўз навбатида, ўрмонларни табиий объект, табиий ресурс сифатида муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини назорат қилади. Экологик ва худудий прокурорлар ўртасидаги ваколатларни тақсимлашнинг ушбу кўриниши О.В.Калугинанинг нуқтаи назари билан мос келади [9]. Масалан, тегишли худуддаги прокурор ўрмон майдонларини эгаллашнинг қонунийлигини назорат қилади ва ҳоказо, экология прокурори эса ўрмонларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича стандартларнинг бажарилишини, ўрмонларни ёнғинлардан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни ва ҳоказоларни баҳолайди. Шу билан бирга, юқорида санаб ўтилган субъектлар устидан назорат ўтказиш жараёнида нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, балки тегишли органларнинг мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатларини амалга оширишда коррупциянинг намоён бўлиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳам аниқланмоқда.

Прокуратура органларида статистикани соҳавий назорат идораларига ёзма сўров юбориш орқали олиш муайян вақт ва расмийатчиликни талаб этади. Бу жараёни соддалаштириш ва самарадорликни ошириш учун

тажриба алмашинувини таъминловчи инновацион ахборот-ҳуқуқий тизимни жорий этиш зарур. Хусусан, ягона автоматлаштирилган тизим таркибида “Ўрмон қонунчилиги ижроси устидан прокурор назорати” махсус бўлимини яратиш, шунингдек, электрон манбалар, янгиланган қонунчилик базаси, ҳуқуқий шарҳлар ва суд амалиёти таҳлилларини ўз ичига олган кичик бўлимни шакллантириш таклиф этилади.

Ўрмон соҳасидаги қонунийликка оид маълумотларни прокуратура турли манбалардан тўплаб, уларни таҳлил ва умумлаштириш асосида қайта ишлайди. Амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда таҳлил юритиш алоҳида мажбурият сифатида мустаҳкамланмагани сабабли, жойларда мансабдор шахслар томонидан прокурор сўровига кўра маълумот беришдан бош тортиш ҳолатлари учрамоқда. Ушбу бўшлиқни бартараф этиш ва ахборот олиш тартибини мустаҳкамлаш мақсадида, Қонуннинг 22-моддасини тегишли органлар ва мансабдор шахсларнинг таҳлилий ишлар учун зарур бўлган ҳужжат, материал ва статистик маълумотларни тақдим этиш мажбуриятини назарда тутувчи норма билан тўлдириш таклиф этилади.

Прокурорнинг ушбу қонуний талаби бажарилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 197-моддаси қоидаларини қўллаш таклиф этилади [2]. Бундай таклиф, биринчидан, ахборот-таҳлилий ишнинг ҳақиқатда амалга оширилишига ёрдам беради, чунки унинг амалга оширилиши сифати учун прокурорлар шахсий жавобгар бўладилар, иккинчидан, ахборотни тақдим этишдан бош тортиш ҳолатларини амалда бартараф этишга ёрдам беради.

Прокурор сўровида кўрсатилган маълумотларни тақдим этиш муддатлари ижрочилар учун аниқ ва реалистик (бажариш имкони мавжуд) бўлиши зарур. Ўрмон хўжалиги қонунчилиги ижроси устидан назоратни ташкил этишда режалаштириш алоҳида ўрин тутаети; у аниқ мақсад ва чоратадбирларни белгилаш, уларни бажариш муддатларини қайд этиш ҳамда ахборот манбалари билан мутаносиб ҳаракат қилишни назарда тутаети. Тизимли режалаштириш фаолиятда тартиб ва изчилликни таъминлаб,

прокуратура органларининг куч ва воситаларини оқилона тақсимлашга хизмат қилади. Масалан, прокурор назоратини амалга ошириш бўйича тадбирларни режалаштиришда прокуратура назорат объектларини белгилайди, назорат ҳаракатларининг кетма-кетлигини ва уларни амалга ошириш муддатларини белгилайди. Асосийси, режалаштириш ёрдамида мақсадлар қўйилади ва қўзланган натижаларга эришилади [5].

Прокурор назорати назарияси ва амалиётида режалар турларининг бир канча таснифлари мавжуд. Вазифаларига кўра режалар назорат ва бошқарув фаолиятини тартибга солувчи, узлуксиз ўқитишни ташкил этиш, стажировка режалари, қўйи прокуратура органлари ишининг ҳолатини текшириш режалари, мувофиқлаштириш режалари ва бошқаларга бўлинади [12].

Бизнинг фикримизча, режаларни муддатига кўра, уч турга бўлишимиз мумкин: узоқ муддатли (бир йил ёки ундан кўпроқ муддатга); жорий (ярим йиллик, чораклик ва ойлик); қисқа муддатли (ҳафталик).

Ўрмон қонунчилиги ижросини назорат қилишда ярим йиллик режалаштириш кенг қўлланилиб, у конкрет объектларда текширишлар ўтказишни назарда тутди. Масалан, давлат ўрмон хўжаликлари аҳволи мониторинг қилинганда, солинган маъмурий жарималарнинг амалда ундирилиши бор-йўғи 30 фоизни ташкил этса, прокурор ушбу паст кўрсаткич манбалари ва сабабларини аниқлаш мақсадида текширув тайинлашга ҳақлидир. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслардан муайян давлат органининг (унинг мансабдор шахсларининг) ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари тўғрисидаги аризаларнинг нисбатан қисқа муддат ичида прокуратура органларига такроран келиб тушиши, уларнинг бевосита текширилиши аризачилар аризаларининг қисман ёки тўлиқ асослилигини тасдиқлайди [6]. Бундан ташқари, иш режаларини шакллантириш учун прокуратура органлари томонидан олинган маълумотлар асос бўлиб ҳисобланади.

Прокурорнинг таҳлилий фаолияти натижалари маълум бир қайта ишлаш жараёнидан ўтган ва шунинг учун уларни ҳақли равишда прокурор

текшируви учун асос бўлган маълумотларга киритиш мумкин [14]. Прокуратура органларининг ўрмон хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш бўйича фаолиятини ташкил этишнинг яна бир элементи, бу прокуратура органларининг хизмат вазифаларини тақсимлаш ва ваколатларини чегаралашдир. Ўрмон хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишда хизмат вазифаларини тақсимлаш нуқтаи назаридан прокуратура фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги тамойиллари ажратилади: предмет, ҳудудий ва аралаш [10]. Кўпинча прокуратура ишни ташкил этишнинг предмет-ҳудудий принциpidан фойдаланади. Бундай ҳолда, “предмет” деганда прокуратура фаолиятининг асосий турлари ва ижтимоий муносабатларнинг айрим соҳалари, қонунчилик соҳалари тушунилади.

Ҳудудий принципнинг моҳияти – бу мамлакат, вилоят ҳудудини муайян ҳудудларга ёки объектлар гуруҳларига шартли равишда чегаралаш орқали прокурорлар томонидан назорат қилиш амалга оширилишидир.

Ўрмон қонунчилиги ижросини самарали назорат қилишнинг муҳим шarti – соҳанинг конкрет прокурор ходимига бириктирилиши, яъни ихтисослашувдир. Бу ёндашув масъул орган ва мансабдор шахслар фаолиятига ўз вақтида ҳамда профессионал баҳо бериш имконини яратади. Фаолиятни тўғри ташкил этиш прокурорларнинг ваколат ва мажбуриятларини аниқ чегаралашни талаб этади. Гарчи қонунчиликда соҳавий мажбуриятлар алоҳида ажратилмаган бўлса-да, ваколатларнинг мавжудлиги қонуний асослар юзага келганда тегишли назорат ҳаракатларини амалга ошириш мажбуриятини ҳам назарда тутати [7].

Ҳарбий, транспорт ва муҳофаза қилинадиган объектлар прокурорларининг ўрмон қонунчилиги ижросини назорат қилиш ваколатлари ўзларига бириктирилган соҳавий объектлар ва ҳарбийлаштирилган тузилмалардаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларига татбиқ этилади. Ҳудудий ҳамда ихтисослаштирилган прокуратуралар ўртасида объектлар ва субъектлар аниқ тақсимланган бўлишига қарамай, уларнинг

хамкорликда фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, ижрони назорат қилиш ва текшириш прокуратура тизимининг муҳим элементи бўлиб, у қўйилган вазифалар ижросига оид маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва натижадорлигини баҳолашни таъминлайди [10]. Назорат фаолияти жараёнининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқларининг бажарилишини назорат қилиш, режалаштирилган тадбирлар ва бошқа вазифаларнинг амалда бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни олишдан иборат.

Одатда назорат жорий (оралиқ) ва якуний (якуний) режалаштирилган ва режалаштирилмаган, доимий ва селектив, бевосита ва билвосита, доимий ва даврий каби турларга бўлинади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўрмон хўжалигида прокурор назоратининг самарадорлиги бевосита унинг ташкилий асосларига боғлиқ. Фаолиятнинг устувор йўналишлари сифатида ахборот-таҳлил ишлари, маълумотларни кўп тармоқли манбалардан (ОАВ, интернет, статистика, мурожаатлар) мунтазам тўплаш, хавфларни баҳолаган ҳолда текширувларни режалаштириш ва ваколатларни аниқ чегаралаш алоҳида ажратилади.

Шу билан бирга, ушбу йўналишдаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш талаб этилади. Хусусан, масъул идораларнинг прокурор сўровига кўра таҳлилий маълумотларни тақдим этиш мажбуриятини қонунан мустаҳкамлаш ва соҳада ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш лозим. Мазкур тизим ҳуқуқбузарликлар динамикасини кузатиш, манзилли текширувлар ўтказиш ҳамда республика бўйича ягона таҳлил базасини шакллантириш имконини беради.

Прокурор назоратини ташкил этишнинг муҳим шарти – ходимлар ўртасида ваколатларни аниқ тақсимлаш ҳамда ҳудудий ва ихтисослаштирилган прокуратуралар ҳамкорлигини йўлга қўйишдир. Назорат тадбирларини узоқ, жорий ва қисқа муддатли режалар асосида олиб бориш, ижрони мунтазам текшириш ва натижаларни баҳолаш фаолият тизимлигини таъминлайди. Бу эса ўрмон хўжалигида қонунчилик

ижросини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва давлат экологик сиёсатини амалга оширишда прокурор назоратининг амалий таъсирчанлигини оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 19.02.2024 й., 03/24/909/0133-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”, 197-моддаси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 02.02.2024 й., 03/24/902/0086-сон
3. Богачев Г.П. Организация аналитической работы в районной прокуратуре // Науч. организация труда в органах прокуратуры: материалы конф. прокурорско-следственных работников Воронеж. обл./ под общ. ред. Н.А. Чернышева. – Воронеж, 1970. – С. 148.
4. Викторов И.С. Организация работы прокурора по надзору за исполнением жилищного законодательства // Жилищное право. – 2007. – № 2. – С. 11 – 32.
5. Винокуров А.Ю., Винокуров К.Ю., Винокуров Ю.Е. Прокурорский надзор: учебник для бакалавров / под ред. А.Ю. Винокурова. – Москва: Юрайт, 2013.
6. Винокуров А.Ю. Проверки исполнения законов на основании плана работы прокуратуры. Вып.75 // Научные труды Моск. гуманит. ун-та. – Москва, 2006.
7. Винокуров А.Ю. Прокурорский надзор за исполнением законов при производстве по делам об административных правонарушениях: пособие для прокуроров. – Москва: ИПК РК, 2004.
8. Кливер И.Я. Организация планирования работы в органах прокуратуры. – Москва: НОРМА, 1991.
9. Калугина О.В. Прокурорский надзор за исполнением земельного законодательства в Российской Федерации: дис. канд. юрид. наук. – Москва, 2013.

10. Настольная книга прокурора / под ред. С.Г. Кехлерова, О.С. Капинус. – Москва: Юрайт, 2012.
11. Прокурорский надзор: учеб. для бакалавров / под общ. ред. Ю.Е. Винокурова. 10-е изд., перераб. и доп. – Москва: Юрайт, 2011.
12. Прокурорский надзор: учебник / под ред. Ю.Е. Винокурова. – Москва: Юрайт-Издат, 2007.
13. Раскина Т.В. Аналитическая работа прокуроров как средство оптимизации прокурорского надзора. // Прокурорская деятельность: вопросы теории и практики: сборник материалов научно-практической конференции, проведенной на юридическом факультете МосГУ 21 ноября 2013 / отв. ред. А.Ю. Винокуров. – Москва: Изд-во Моск. гуманит. ун-та, 2014.
14. Ястребов В.Б. Прокурорский надзор: учебник. – Москва: Городециздат, 2001.